

## I. ЯЛПИ ХУДУДИЙ МАХСУЛОТ

Дастлабки маълумотларга кўра, 2018 йилнинг январь-июнида ишлаб чиқарилган ялпи худудий маҳсулот (ЯҲМ) ҳажми жорий нархларда 9 409,4 млрд. сўмни ташкил этди. ЯҲМнинг ўсиш суръати ўтган йилнинг мос давриганибатан 103,3 фоизни ташкил этди.

**Ялпи худудий маҳсулот**  
2018 йил январь-июнь ҳолатига, фоиз таққослама нархда

	млрд.сўм		2017 йил январь-июнь ойига нисбатан, фоиз ҳисобида
	2017 йил	2018 йил	
<b>I. Ялпи худудий маҳсулот, жами</b>	<b>7 743,6</b>	<b>9 409,4</b>	<b>103,3</b>
<i>ишу жумладан:</i>			
Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	7 287,6	8 918,5	103,2
Маҳсулотларга соф соликлар	456,0	490,9	105,3
<b>II. Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати</b>	<b>7 287,6</b>	<b>8 918,5</b>	<b>103,2</b>
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	1 870,4	2 197,2	100,5
Саноат (қурилишни қўшган ҳолда)	2 112,3	2 788,7	105,7
саноат	1 709,9	2 250,2	105,2
курилиш	402,4	538,5	107,7
<b>Хизматлар</b>	<b>3 304,9</b>	<b>3 932,6</b>	<b>103,2</b>
савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	768,3	939,9	102,9
ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа хизматлари	690,6	744,4	104,9
бошқа хизматлари	1 846,0	2 248,3	102,7

Иқтисодиёттинг асосий тармоқларида кузатилган ўсиш суръатлари ЯХМ ўсишида асосий омил бўлиб хизмат қилди. Жумладан, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги тармоғининг ўсиш суръати 100,5 фоиз, (ЯХМ таркибидағи улуши – 24,6 фоиз), саноат – 105,2 фоиз (25,2 фоиз), қурилиш – 107,7 фоиз (6,0 фоиз), савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар – 102,9 фоиз (10,5 фоиз), ташиб ва саклаш, ахборот ва алоқа – 104,9 фоиз (8,3 фоиз) ва хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар – 102,7 фоиз (25,4 фоиз) ни ташкил қилди.

### **Ялпи ҳудудий маҳсулотнинг тармоқлар бўйича таркиби январь–июн ҳолатига (жамига нисбатан фоизда)**

